ОЗУҚА МАТРИЦАСИНИНГ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ДЕЗИНТЕГРАЦИЯСИ ВА МАКРОНУТРИЕНТЛАР ГИДРОЛИЗИ ЖАРАЁНИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Джалалова Озода Касимжановна

Андижон давлат тиббиёт институти

Ушбу тадқиқот меъда-ичак трактининг юқори бўлимларида (оғиз бўшлиғи, ошқозон ва ичак) макронутриентлар — крахмал, оқсил ва липидларнинг босқичма-босқич дезинтеграциялашуви ҳамда гидролизланиш қонуниятларини ўрганишга қаратилган. Иш доирасида *in vitro* шароитида сўлак α-амилазаси, меъда ва ошқозоности бези ширaларининг бинар (крахмал–оқсил, крахмал–липид, оқсил–липид) ва учламчи (крахмал–оқсил–липид) озуқа тузилмаларининг реологик хоссалари (ёпишқоқлиги), ферментатив гидролиз даражаси ҳамда оқсил ва крахмалнинг ажралиб чиқишига таъсири кетма-кет таҳлил қилинади. Шунингдек, *in vivo* (каламушларда) тажрибалари орқали қондаги глюкоза, триглицерид ва қолдиқ азот миқдори асосида ушбу комплексларнинг организмда ўзлаштирилиш хусусиятлари баҳоланади. Тадқиқот натижалари ошқозон-ичак трактида макронутриентларнинг кетма-кет ҳазм бўлиш моделини яратишга, организмнинг гликемик реакцияси ва ҳазм жараёнини мақсадли бошқаришга, шунингдек, моддалар алмашинуви бузилган ва ихтисослаштирилган парҳезга муҳтож аҳоли гуруҳлари учун функционал ҳамда профилактик овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: озуқа матрицаси, макронутриентлар, крахмал-липид-оқсил комплекслари, дезинтеграция, ферментатив гидролиз, *in vitro*, *in vivo*, гликемик реакция, ошқозон-ичак тракти, функционал овқатланиш.